

Мисрда 100 та ҳофизи Қуръон мукофотланди



16:00 / 25.05.2019 1566

Кафруш Шайх Вақф идораси томонидан ташкил этилган тадбирда 5 ёшдан 20 ёшгача бўлган 100 нафар ёш ҳофизи Қуръонлар идоранинг махсус совғалари билан тақдирландилар. Бу ҳақда ал-Шурук ахборот сайти хабар беради.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу маросим Рамазони шарифда қорилар учун ўзгача хушнудлик касб этади, дейди тадбир иштирокчиларидан бири. Мисрнинг Вақф идораси томонидан ёшларни Қуръони каримга муҳаббатини ошириш йўлида бор имкониятлар ишга солинмоқда. Маълум бўлишича, кичик ёшдаги болалар орасида Аллоҳ каломига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.